

ТЕРРОРЧИЛИК МАҚСАДЛАРИНИ КҮЗЛОВЧИ НОҚОНУНИЙ ҚУРОЛЛИ ТУЗИЛМАЛАР ФАОЛИЯТИНИ ЎРГАНИШ

Холмуродов Тимур Абдуллаевич

Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети

Магистратура тингловчиси, майор

Аннотация: Уибу мақолада террорчилик мақсадларини күзловчи тузилмалар фаолиятини ўрганиши ва унга доир меъёрий ҳуқуқий ҳужжатлар ҳамда террорчилик мақсадларини күзловчи тузилмалар фаолиятини ўрганишдаги фик ва мулоҳазалар ҳақида сўз боради.

Аннотация: В данной статье речь идет об изучении деятельности террористических организаций и связанных с ней нормативно-правовых документов, а также мнениях и соображениях при изучении деятельности террористических организаций.

Annotation: This article is about studying the activities of terrorist organizations and related legal documents, as well as opinions and considerations when studying the activities of terrorist organizations.

Калим сўзлар: терроризм, мафкура, хавфсизлик, меъёрий ҳужжатлар.

Ключевые слова: терроризм, идеология, безопасность, нормативные документы.

Keywords: terrorism, ideology, security, regulatory documents.

Барчамизга маълумки жамиятда сиёсий, диний, мафкуравий ва бошқа мақсадларга эришиш учун шахснинг ҳаёти, соғлиғига хавф туғдирувчи, молмулк ва бошқа моддий объектларнинг йўқ қилиниши хавфини келтириб чиқарувчи ҳамда давлатни, халқаро ташкилотни, жисмоний ёки юридик шахсни бирон-бир ҳаракатлар содир этишга ёки содир этишдан тийилишга мажбур қилишга, халқаро муносабатларни мураккаблаштиришга, давлатнинг суверенитетини, ҳудудий яхлитлигини бузишга, хавфсизлигига путур етказишга, қуролли можаролар чиқаришни кўзлаб иғвогарликлар қилишга, ахолини қўрқитишга, ижтимоий-сиёсий вазиятни беқарорлаштиришга қаратилган ҳаракатларни амалга оширишни мақсад қилиб олган террорчилик ҳаракати мавжуд.

Бугунги ҳаёт мустақиллигимизни мустаҳкамлаш, баҳтимиз, истиқболимиз, эртанги фаровон ҳаётимиз билан боғлиқ масалаларни бос-қичма-босқич ҳал қилишни тақозо этмоқда. Мустақиллик жараёни эса бундай вазифаларни муттасил ҳал қилишни, ғоявий тарбия ишларини доимий олиб боришни, ўсиб-униб келаётган ёш авлод мафкуравий иммунитетини узлуксиз шакллантириб

туришни заруратга айлантиради. Бу эса ўз навбатида бунёдкор ғояларга содик ва соғлом мафкурали комил инсонларни вояга етказиш учун шароит яратади.

Лекин ижтимоий онг ва тафаккур тезда ўзгариб, янгича дунёқарашиб осонликча шаклланавермайди. Айниқса, бу ҳали етарли ҳаётий тажрибага эга бўлмаган, соддадил, ишонувчан, ғўр ёшлар тарбиясида яққол кўзга ташланади. Ўзбекистон мустақилликка эришган дастлабки йилларда турли йўналишдаги мафкуравий таҳдидлар айрим одамларнинг қалбини эгаллаб, ўз миллий қадриятларимиз ҳамда умумбашарий цивилизация ютуқларидан маҳрум этиш, юртимиз аҳолиси тафаккурини бўйсундиришга ҳаракат қилган эди.

Ана шундай бало-қазолардан ҳимояланиш учун тажовузкор ғояларга қарши иммунитет ҳосил қилиш, кишиларимизни жамият тараққиёти қонуниятларини тўлиқ акс эттирадиган соғлом, инсонпарвар мафкура билан қуроллантириш зарур эди. Зоро, ҳар қандай жамият ўз ривожланиш йўли, ўзига хос ғоявий асос ва мафкуравий тамойилларига эга бўлиши лозим. Айниқса, бу ўта мураккаб ва қалтис тарихий шароитда ҳалқимизнинг тарихий ютуғи – Ўзбекистон суверенитетини кўз қорачиғидек асрар, энг асосий мақсадлар йўлида одамларни сафарбар қилиш, жипслаштириш учун ана шундай соғлом мафкура ниҳоятда зарур.

Инсоният тарихи шундан далолат берадики, муайян жамият ўз тараққиёти жараёнида бир босқичдан иккинчи босқичга ўтишида турмушнинг барча соҳаларида, хусусан, иқтисодиёт, ижтимоёт ва сиёсатда бўлгани каби ғоявий-мафкуравий соҳада ҳам муайян муаммоларни ҳал қилиш зарурати пайдо бўлади. Чунки ўзига хос янги давр, шароит, вазият анъанага айланиб қолган ғоялар, қарашлар, муносабатларни ўзгартирмасдан, маълум мафкурага асосланмасдан янги мақсадлар сари қадам ташлай олмайди. Бу эса янги ғоя, қараш, муносабат, мафкурани ишлаб чиқиши талаб этади.

Бу йўлда аввало, террорчилик мақсадларини кўзловчи ноқонуний қуролли тузилмалар фаолиятини ўрганиш ва уларга қарши самарали ечим топиш керак бўлади. Бу йўлдаги биринчи қадам, бундан 23 йилда содир бўлганди, яъни мамлакатимизда террорчилик мақсадларини кўзловчи ноқонуний қуролли тузилмалар жиноий ҳаракатларга чек қўйиш ва олдини мақсадида Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 15 декабрда “Терроризмга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонун қабул қилинган. Маркур қонуннинг мақсади - терроризмга қарши кураш соҳасидаги илк муносабат ҳисобланади. Мазкур Қонуннинг асосий вазифалари шахс, жамият ва давлатнинг терроризмдан хавфсизлигини таъминлаш, давлатнинг суверенитетини ва худудий яхлитлигини ҳимоя қилиш, фуқаролар тинчлиги ва миллий тотувликни сақлашдан иборат.

Келинг, шу ўринда “терроризм” сўзининг асл маъноси ҳақида қисқача тўхталиб ўтсак. Терроризмга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонуннинг 2-

моддасига кўра, **терроризм** – сиёсий, диний, мафкуравий ва бошқа мақсадларга эришиш учун шахснинг ҳаёти, соғлиғига хавф түғдирувчи, мол-мулк ва бошқа моддий обьектларнинг йўқ қилиниши (шикастлантирилиши) хавфини келтириб чиқарувчи ҳамда давлатни, халқаро ташкилотни, жисмоний ёки юридик шахсни бирон-бир ҳаракатлар содир этишга ёки содир этишдан тийилишга мажбур қилишга, халқаро муносабатларни мураккаблаштиришга, давлатнинг суверенитетини, худудий яхлитлигини бузишга, хавфсизлигига путур етказишга, қуролли мажаролар чиқаришни кўзлаб иғвогарликлар қилишга, ахолини қўрқитишига, ижтимоий-сиёсий вазиятни бекарорлаштиришга қаратилган, Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексида жавобгарлик назарда тутилган зўрлик, зўрлик ишлатиш билан қўрқитиши ёки бошқа жиноий қилмишлар.

Яна шу ўринда айтиш керак, террорчилик фаолиятининг олдини олиш давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамда жамоат бирлашмалари, шунингдек корхоналар, муассасалар, ташкилотлар томонидан сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий ва бошқа профилактик чоралар мажмуини ўтказиш орқали амалга оширилади.

Демак, мазкур вазиятда қуйидагилар тақиқланади:

- терроризмни тарғиб қилиш;
- террорчилик групкалари ва ташкилотларини тузиш ҳамда уларнинг фаолият кўрсатиши;
- террорчилик фаолиятига дахлдор юридик шахсларни, уларнинг бўлинмалари (филиаллари) ва ваколатхоналарини (шу жумладан чет эл ва халқаро ташкилотларнинг ваколатхоналарини) аккредитация қилиш, рўйхатдан ўтказиш ва уларнинг фаолият кўрсатиши;
- террорчилик фаолиятига дахлдор чет эл фуқаролари ҳамда фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг Ўзбекистон Республикасида кириши;
- тайёрланаётган ёки содир этилган террорчилик ҳаракатларига оид маълумотлар ва фактларни яшириш.

Бинобарин, террорчилик мақсадларини кўзловчи ноқонуний қуролли тузилмалар фаолиятини ўрганиш борасида шуни унутмаслик керакки, терроризм замирида муайян бир мафкурага ётади. “Терроризм мафкурасини мавжуд конституциявий тузум ва шаклланган демократик меъёрларни ноқонуний ўзгартириш, давлат ва жамиятдаги сиёсий, диний, миллий ва ижтимоий муносабатлар ҳақидаги радикал ва назарий қарашлар, тоялар тизими сифатида тушунилиши керак”.

Терроризм ҳар доим ўз олдига сиёсий мақсадни қўяди ва у бошқа жиноятлардан айнан шу жиҳати билан ажратиб туради. Шахснинг экстремистик ташкилотга тарафдорлигини аниқлаш ёки террорчилик мақсадларини кўзловчи

ноқонуний қуролли тузилмалар фаолиятини ўрганиш учун қуидаги күрсаткичлардан фойдаланиш мумкин:

Бириңчидан, террорчилик ҳаракатлари ўта шафқатсизлик билан амалга оширилади ва бу хунрезлик ташкилотчилар томонидан аввалдан режалаштирилган бўлади. Ҳар қандай террорчилик ҳаракати террорчилар фикрига қўшилмаган барча одамларни қўрқитиш учун мўлжалланган. Шундай қилиб, террорчилик нафақат мамлакатга моддий, иқтисодий ва сиёсий зарар етказибгина қолмай, жамиятга ўта кучли маънавий жароҳат етказади.

Иккинчидан, террорчилик ҳаракатлари, кенг тарқалган жиноятлардан фарқли ўлароқ, беихтиёр, бепарволик юзасидан ёки бўлмаса, аффект ҳолатида содир этилиши мумкин эмас. Террорчилик ҳаракатларига аввалдан эҳтиёткорлик билан ва яширинча тайёргарлик кўрилади. Шунинг учун, бир томондан, маҳсус хизматлар ва ҳукуқни муҳофаза қилиш идоралари жиноятларга тайёргарлик кўришни аниқлаш ва уларнинг содир этилишининг олдини олиш учун тезкор имкониятлардан фойдаланиш учун маълум вақтга эга. Бошқа томондан, эса террорчилик ҳаракатлари ташкилотчиларининг фаолиятининг ўта маҳфийлиги туфайли бу ишни амалга ошириш, нисбатан, ўта мураккаб ҳисобланади.

Учинчидан, агар террорчиларнинг ҳокимиятни ёки аҳолини ўз шартларини бажаришга мажбур қилишга бўлган интилишини назарда тутсак, террорчилик ҳаракати аниқ мақсадларни кўзлайди. Террорчилик тажовузларининг обьекти ҳар доим икки йўналишда бўлади; террорчилар ҳаракати бевосита одамларни ўлдиришга ёки моддий қадриятларни вайрон қилиш ва конституциявий тузумнинг элементлари (бошқарув тартиби, давлатнинг ҳудудий яхлитлиги ёки сиёсий тузилиши, унинг ҳарбий ёки иқтисодий қудрати, молия тизими ва ҳоказо) бўлган умумий обьектни йўқ қилишга қаратилган бўлади

Тўртинчидан, аста-секин ўз сафларига кўпроқ фуқароларни жалб қилиш орқали давлатнинг ҳукуқий ва сиёсий тизимини ўзгартиришни мақсад қиласди. Бу эса, тарафдор назарида, ташкилот ғояси тарафдорларининг сон жиҳатдан устунлигини ҳисобга олган ҳолда сиёсий тизим ўзгаришига олиб келиши мумкин. Имконият пайдо бўлса, давлат тизимини ўзгартиришнинг инқилобий, зўравон усули қўллашни ҳам истисно этмайди.

Бешинчидан, уларга ўз қараш ва истакларини мутаассибона тарзда қўллаб-қувватлаш хусусияти хос. Эътиқод учун асос бўлиб, улар умумий тан олинган манбалардан (муқаддас китоблардан) фойдаланадилар, лекин уларни сиёсий мақсадларига мос равишда ўзгартириб, шарҳлайдилар.

Демак, юорида санаб ўтилганн террорчилик мақсадларини кўзловчи тузилмалар фаолиятини ўрганишда, аввало, давлат бошқарув органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш

органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар, мансабдор шахслар, шунингдек фуқаролар терроризмга қарши курашни амалга оширувчи давлат органларига қўмаклаши орқали аниқлаш ҳам катта аҳамият касб этишини айтиб ўтиш жоиз.

Хулоса ўрнида айтиш керакки, терроризмга қарши курашишда нафақат давлат органлари балки, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамда жамоат бирлашмалари, шунингдек корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ҳамда ҳар бир фуқаро томонидан бу жиноий ҳаракатлар бўйича маълумотларга эга ёхуд уларда шубҳа уйғонган тақдирда зудлик билан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга хабар бериш билан давлатимиз ва фуқаролар тинчлиги ва миллий тотувликни сақлашда муносиб ҳисса қўшган бўлади. Зоро, террорчилик мақсадларини қўзловчи тузилмалар фаолиятини ўрганиш ва унга қарши профилактик чоралар кўриш – бу ушбу мудҳиш жиноятни олдини олишдек гап.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. “Терроризмга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонун, 2000 йил 15 декабрь.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 1 июлдаги ПФ-6255-сон Фармони билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг экстремизм ва терроризмга қарши курашиш бўйича 2021 — 2026 йилларга мўлжалланган Миллий стратегияси.
3. Илмий мақола: “Экстремистик ва террорчи гурӯҳлар фаолияти мисолида ижтимоий тобелиқдан реабилитация қилиш: консультантни психологик жиҳатдан тайёрлаш”.
4. В.И. Карпенко, А.Б. Рудаков «Новая реальность: террор», М: Товарищество научных изданий КМК. 2016. 4-е изд. 232-б

ЭЛЕКТРОН МАНБАЛАР:

1. <https://lex.uz>